

УЛУҒ ЛЕНИН КУРСАТГАН ИҮЛДАН, КОММУНИСТИК МЕҲНАТНИНГ ТҮЛА ҒАЛАБАСИ САРИ!

БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 109 (1629) 1 июнь, 1960 йил, чоршанба Баҳоси 20 тийин.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорлари Бутуниттифоқ кенгашининг РЕЗОЛҮЦИЯСИ

Биз, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущевнинг нутқини тинглаб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ичи ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаймиз.

Коммунизм кураётган Совет Иттифоқи халқларининг туб манфаатларини ифода этувчи бу сиёсат Ватанимизнинг қудратини ошириш эърисида, Ватанимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг фаровонлиги ҳақида бутун ер юзиди мустақам тинчликни сақлаш тўғрисида чексиз ғамхўрлик руҳи билан сугорилган.

Биз, ҳукуматимиз бошлиғи Н. С. Хрущевнинг Парижда тутган позициясини тамомла маъқуллаймиз ва қўлаб-қувватлаймиз ҳамда принципиал тинчликсевар сиёсат ўтказиб келганлиги учун, тинчликни сақлаш ҳамда АҚШда империалистик доираларнинг илғорларик ҳаракатларини фож қилиш йўлида изчил ва актив кураш олиб борганлиги учун ундан бажонидил миннатдоримиз.

Бизнинг кенгашимиз Н. С. Хрущевнинг Совет ҳу-

кумати бундан буён ҳам тинч-тотув яшашдан иборат ленинча йўлдан доим олға боради, халқро кескинликни юмшатиш, ёлпасига ва батамом кўрөлсилаш, низоли халқро масалаларни тинч ҳал этиш учун сабот-матонат билан кураш олиб боради, деган гапларига тамомла қўшлаймиз.

Биз, Совет Иттифоқининг ва барча социалистик мамлакатларнинг қудратини ўстириш тинчликни сақлашнинг асосий шарти эканини биламиз.

Партия ва ҳукумат коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг ишига юксак баҳо берди. Ана шу юксак баҳодан илҳомланган коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари тинчликни сақлаш учун ана шу асосий шартни рўбга чиқариш мақсадида бундан буён ҳам ўзларининг бутун ижодий ғайрати, таъриба ва билимларини Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда муҳофаа қувватини янада мустақамлашга сарф қилдилар.

Биз, коммунистик меҳнатнинг тўла ғалабаси учун, коммунизмнинг буюк нуруний биносини қуриш учун шонли ҳаракат қатнашчилари сафларини кенгайтира-миз, деб тантанали ваъда берамиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига

Бизлар, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари бепеон мамлакатимизнинг ҳамма қисмидан жонжон пойгайт — Москвага келдик. Ана шу ажойиб кунларда бизнинг энг ахши туйғу ва фикрларимиз совет халқи шонли ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси севиқли Коммунистик партияга, унинг жанговар штаби ленинчи Марказий Комитетга қаратилган.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида дунёда биринчи марта синалмаган йўлни босиб ўтди, социализм барпо қилди ва эндиликда зўр ишонч билан коммунистик жамият барпо қилмоқда. Совет кишилари қийинчилик ва машаққатлар бўлишига қарамай, тарихан қисқа вақт ичида қаҳрамонона меҳнат ва ғайратлари билан жуда тез индустрияни, гоёт механикалаштирилган, ривож тошган қишлоқ хўжалигини, илғор фан ва маданиятни вужудга келтирдилар. Бизнинг фарланадиган нарсамиз бор. Совет Иттифоқи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми жаҳатидан Европада биринчи ўринга чиқди. Биз барча кўрсаткичлар юзасидан «мақназилан» АҚШдан зўб кетадиган пайт яқин қолди. Совет космик кемасининг парвоз қилганлиги буюк ғалабаларининг симболи бўлиб, ўз умрини тугатаётган капитализмга нисбатан социализмнинг шубҳасиз устун эканлигини яққол исбот этди.

Ленинча идеяларнинг сўнас чирогои билан ёритилган Ватанимизнинг келажакки улуғ ва ғўзалдир. Совет кишилари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлини, мамлакатимизнинг экономика ва маданиятини янада кучли суратда юксалтириш, халқининг турмуш даражасини узлуқсиз ошириш программасини белгилаб берган КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини ўзларининг жонжонли иши деб қабул қилдилар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси етти йилдининг биринчи йили топириқларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда жуда ахши натижаларга эришдилар.

Бизнинг муваффақиятларимиз — Совет кишилари зўр шижоат билан қилган ишларнинг самараси, социалистик тузум буюк афзалликларининг самараси, Коммунистик партия томонидан олиб борилаётган буюк ташкилотчилик ишларининг натижаси, атоқли ленинчи Никита Сергеевич Хрущев бошчилигида партия Марказий Комитети ҳормай-толмай қилаётган ишларнинг натижасидир.

Меҳнаткашларнинг бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия ва Совет ҳукумати феодализмнинг негизидир. Бизнинг мамлакатимизда жуда катта социал ўзгаришлар амалга оширилмоқда: иш кунин қисқартирилмоқда, аҳолидан олинладиган солиқлар бекор қилинмоқда, совет кишиларининг ҳаётини кун сайин тўзал ва бадаллаб қилмоқ учун, уларнинг моддий ва маънавий ахтиёжларини тўлароқ қондириш учун керакли ҳамма иш қилинмоқда. Совет халқи коммунизм узоқ ҳаст-орудан ҳозирги пайтнинг реал воқелигига айланганлигини кўриб турибди.

Кенг авж олдирилган коммунизм қурилишининг улуғвор-вазифалари омманинг янги ташаббусини — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини вужудга келтирди. Бу ҳаракат — Лениннинг коммунистчасига ишлаш ва яшашни ўрганиш тўғрисидаги васиятини амалга оширишга қаратилган. Бу ҳаракат бутун мамлакатга кучли тўлқин каби ёйилди ва эндиликда 5 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш бу ҳаракатда қатнашмоқда. Коммунистик партия коммунистик меҳнат мусобақасига юксак баҳо берди ва бу мусобақа қатнашчиларини келажакнинг разведкачилари деб атади.

Ҳозирги кунда биз партия ва халқ олдида ана шу ҳаракатнинг миллионларча қатнашчилари номидан гапириб, ўз ҳаётимиз ва ишчимизнинг ҳар бир қадами

билан бу юксак баҳони бўлаймиз, деб ваъда берамиз. Келгусига йўл очин — аввало, ахши меҳнат қилмоқ демакдир. Биз ўзимизни ва ўртоқларимизни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, ўз мақсадларимизга эришиш учун сабот-матонат билан ишлаш руҳида тарбиялаймиз. Биз ўзимизнинг бутун куч ва иродаимизни етти йилдик плани муддатидан илгари бажариш учун курашга, социализмнинг капитализм билан тинч мусобақасида узид-кесид ғалаба қозониши жадаллаштиришга бағишлаймиз.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа қатнашчилари меҳнат унумдорлигини тинмай ошириши, кун сайин кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришини, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини ахшилашнинг ўз бурчлари деб билидилар. Коммунистик меҳнат ғалабаси учун кураш бизнинг зиммаларда янги техника ва технологияни кун сайин ағдаллаб, ишлаб чиқаришда иқтисод қилиш ва тежамлилик намунасини кўрсатиш, ҳамма ишда ва ҳар қачон ўртоқларга ёрдам бериш, билим ва илғор таърибларимизнинг ўлар билан баҳам қўриш, ўз маданий-техника савиясини тўғри чоралар билан ошириш вазифасини ўқалади.

Биз меҳнатда, турмушда, кишилар ўртасидаги муносабатларда коммунистик ахлоқнинг юксак принципларига амал қиламиз, коллективчилик, ўртоқларча ўзаро ёрдамни йўлга қўйиб, кучайтираборамиз, ўтмишининг саркитларига қарши курашамиз. Биз коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари ҳаракати сафларини бутун чоралар билан доим кенгайтириш, шахсан намуна кўрсатиб, яна неча миллионлаб ишчи ва колхозчиларни, инженер-техник ҳодимларни ва хизматчиларни бу ҳаракатга жалб этиш тўғрисида доим ғамхўрлик қиламиз.

КПСС Марказий Комитетининг коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракати қатнашчиларига йўллаган таъриқномасининг оташин сўзлари бизни севиқли Ватан шўхрати учун янгидан-янги зафарларга илҳомлантирди. Партиямиз Марказий Комитетини ишончдор айтмакчимиз, биз ўз зиммаларига олган мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз, ҳамма ишда ва ҳар доим партиянинг доно режаларига амал қиламиз. Биз улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан бориб, коммунистик меҳнат ғалабасига эришамиз!

Америкали ашадий агрессорлар шунинг билиб қўйсиналарки, совет халқининг ана шу йўлдаги қудратли ҳаракатини ҳеч ким тўхтада олмайди. Биз СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрущевнинг Парижда ўтказиб келган қатъий ва адолатли позициясини бутун халқ билан бирга қатъий бажаришга қўлаб-қувватлаймиз ва тинчлик ишини, социалистик Ватанимизнинг исзат-ҳўрмати ва шон-шарафини мардонча ҳимоя қилган қардон Никита Сергеевичга самийи ташаккур изҳор қиламиз.

Халқларнинг қаҳр-ғазаб ва нафратли Совет Иттифоқига нисбатан босқинчилик сиёсатини ўтказиб, юксак доирадаги кенгашии барбод этган Америка империалистлари-устига ағдарилсин!

Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган мамлакатимизнинг халқлари агрессорга бундан буён ҳам қаршатиқ зарба бериш, агрессорнинг тинчлик иши учун ҳафли бўлган ҳаракатларини йўқотишга, бутун дунёда тинчлик учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб боришга қатъий қарор бергандилар.

Яшасин қудратли социалистик Ватанимиз! Яшасин совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи — шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Яшасин тинчлик ва халқлар бахти учун толмас курашчи Н. С. Хрущев бошчилигидаги партиянинг ленинчи Марказий Комитети!

Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига МУРЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Биз совет халқининг ижодий кучлари бениҳоя ўсган бир ваазиятда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган юксак номини олиш учун мусобақани янада ривожлантириш йўларини белгилаш мақсадида Катта Кремль саройида Бутуниттифоқ кенгашига тўпландик.

Ҳар бир совет кишии халқ ижодий меҳнатининг ажойиб натижаларини, Ватанимизнинг кенг авж олдирилган коммунизм қурилишининг КПСС XXI съезди белгилаб берган улуғвор программасини амалга оширишда эришган жуда катта ғалабаларини кўриб астойдил қувонмоқда, зўр мамнуний туйғуларини кечирмоқда.

Етти йилдининг улуғвор плани муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бутун дунё фан ва техникаимизнинг ютуқларига қўйла қолмоқда. Советлар мамлакатини биринчи бўлиб космосга йўл очди, атом энергиясини тинчлик мақсадларида фойдаланишининг ташаббускори бўлди. Жуда катта космик кеманинг Ер йўлдоши орбитасига учтирилганлиги Ватанимизнинг тинчликсеварлиги ва қудратини яна бир марта намоиш қилди, совет фани инсоният тараққиёти учун хизмат қилаётганлигини яққол исбот этди.

Улуғ Ленин вужудга келтирган ва тарбиялаб ўстирган Коммунистик партия бизнинг мамлакатимизни коммунизмнинг нуруний чўққилари сари қатъий ва изчиллик билан бошлаб бормоқда, меҳнаткашларнинг турмушини ахшилаш, бутун дунёда тинчликни мустақамлаш учун зўр ғайрат, сабот ва матонат билан ҳаракат қилмоқда.

Ҳамма нарсаси инсон учун, ҳамма нарсаси инсоннинг бахт-саодати учун! Коммунистар партияси, унинг меҳнаткаш халқ бахти учун ва ер юзиди тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Никита Сергеевич Хрущев бошчилигида ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қилаётган буюк ишларнинг моҳияти ана шу.

Социалистик давлатимизнинг ана шу олижаноб мақсади ишчи ва хизматчилардан олинладиган солиқни бекор қилиш тўғрисида ва барча ишчи ҳамда хизматчиларини етти ва олти соатлик иш кунига кўчириш тўғрисида СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қабул қилган қонунларда ўзининг ёрқин ифодасини топди...

Машғум буржуа «аркинилик» мамлакатларида ишчилар синфи ўз ҳуқуқларини қатъий курашда, кўп қўбон бериб ва машаққат кўриб қимом қилишга мажбур бўлса, социалистик тузум шароитида меҳнаткашларнинг ғамхўр бораётган моддий ва маданий ахтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий қонундир. СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг қарорлари социализмнинг умрини кеңириб бўлган капитализмга нисбатан туб устуликларни ва шубҳасиз афзалликларини яққол исбот этувчи янги далилдир.

Тинч ижодий меҳнат билан шугулланаётган совет кишилари мамлакатимизга қарши қабих илғорларик ва ҳарбий авантюралар йўлига ўтиб олган Америка империалистларининг босқинчилик сиёсатини қаҳр-ғазаб туйғуларини билан қораламоқдалар. Америка империалистларининг ана шу сиёсати тинчлик ва халқлар хавфсизлигига қарши, халқро кескинликни кучайтиришга қаратилган. Биз, америкалик агрессорларнинг қабих илғорларига жавобан ўз сафаримизни янада маҳкам жипслатишга, социалистик Ватанимизнинг иқтисодий қудрати ва муҳофаа қувватини мустақамлаш йўлида янгидан-янги меҳнат зафарларига эришамиз. Мамлакатимизнинг халқлари Совет давлатининг изчиллик билан ўтказиб келадиган тинчликсеварлик сиёсатини қизғин қўлаб-қувватлаб, агрессорларнинг қабих ҳаракатларини ер билан эксон қилмоқ учун қатъий бед боғавандилар, совет кишилари тинч меҳнатига ҳалақат беришга қаратилган империалистларнинг ҳар қандай уринишларига қатъий зарба беришга тайёрдилар.

Совет халқи ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли хўжайинидир. Совет халқининг ўзи ўз бахтини яратмоқда, Ватанимизнинг бойликларини вужудга келтирмоқда ва бутун жамиятнинг ҳамда ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатларини кўзда тутиб, порлоқ истиқбол — коммунизмга тезроқ эришиш мақсадида ана шу бойликларни тасарруф қилмоқда.

Совет кишиларининг ўз меҳнати натижаларидан астойдил манфаатдор эканлиги омманинг ғайрати ва ижодий активлигини бениҳоя кучайтириб юбормоқда. Социалистик тузумнинг самарали негизиди биринчи коммунистик шанбаликлар вужудга келган эди. Социалистик тузум қудратли умумхалқ мусобақасини вужудга келтирди ва кучайтирди, ҳозирги куннинг ажойиб ҳодисаси — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини рўбга чиқарди. Бундан бир арим йил муқаддам Москва—Сортировочная депоси ишчилари ўртасида «Коммунистчасига ишлаш ва яшашни ўрганилаш» деган шпор остида вужудга келган бу ҳаракат эндиликда гоёт кенг қулоч отди.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракати социалистик мусобақанинг кўп йиллик таърибасида вужудга келган энг ахши нарсаларининг ҳаммасини ўзида тағдалантирди, кишиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялади, коммунистик ахлоқни турмушга жорий этишга, ўтмишининг саркитларидан ҳалос бўлган

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИ ВА ЗАРБДОРЛАРИ МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

30 май эрталаб Катта Кремль Саломондорлар ва мамлакатимиз бойлигини оширмоқдалар.

Ўртоқ Н. С. Хрущев ўз нутқида коммунистик коллектив деган фахрли ном учун мусобақа вужудга келган бизнинг коллективимиз ҳақида гапириб ўтди. Москва-Сортировочная депосининг 4 нехта на 24 ниядасига ҳозирдаёқ фахрли унвон берилди. Ҳозир бутун коллектив коммунистик меҳнат депоси номини олиш учун курашмоқда.

Биз тинч меҳнат кишиларимиз, деди В. Блаженов ўз нутқининг охирида, биз билимакчимиз, барча мамлакатларнинг халқлари тинчликка интиломоқдалар. Шунинг учун ҳам биз юксак доирадаги кенгашии барбод қилган Америка агрессорларини қатъий қорайаймиз.

Украинанинг энг кекса заводларида бири—Петровский номли медаллургия заводининг пўлат эритувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Махота сўзга чиқди. Бу корхонанинг 300 дан кўпроқ бригада, смена ва участкаси ҳозир коммунистик меҳнат коллективини номини олиш учун мусобақалашмоқда. Булардан 13 тасига ҳозирдаёқ бу фахрли ном берилди. Ҳозир Махота бригадаси бу йил пландан ташқари 500 тонна пўлат эритиш мажбуриятини олган эди. Бу мажбурият ҳозир бажарилди. Пўлат эритувчилар йил охиригача пландан ташқари яна шунча миқдорда металл беришга аҳд қилдилар.

Яқинда мен СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг ишида иш-тироқ эдим, деб давом этади нотиқ. Сессия қабул қилган қарорлар давлатнинг совет кишилари ҳақида, уларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий ўсиши ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир. Бунга жавобан совет кишилари меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари билан Ватанимиз иқтисодий қувватини янада ғайрат билан мустақам-

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

янги кишининг вояга етишига ёрдам беради. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш учун ўтказилаётган мусобақанинг қатнашчилари меҳнат унумдорлигини узлуқсиз оширишга, етти йилдининг улуғвор планларини муддатидан илгари бажаришга эришишни ўзларининг энг муҳим бурчи деб билидилар.

Коммунистик меҳнат коллективини ва зарбдори деган номини олиш учун кураш — ижтимоий ишлаб чиқариш бағрида яшириниб ётган янгидан-янги резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишда зўр ғайрат, сабот ва матонат кўрсатиш, иш вақтининг ҳар бир минути ва секундининг қадрига етиш, маблаг ва материалларни энг кам сарф қилган ҳолда халқ учун керакли буюмларни тобора кўпроқ ва сифатли ҳамда арзон қилиб ишлаб чиқаришга доим интилиш демакдир.

Энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш — коммунизм узил-кесил ғалабасининг ҳал қилувчи шартидир. Шу сабабли, мусобақада қатнашувчи ҳар бир кишининг энг биринчи бурчи меҳнат унумдорлигини доим ошириш учун тинмай кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи керак.

Коммунистик партия халқда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш, маҳсулотнинг сифатини ахшилаш ва таннархини камайтиришнинг тўғри йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл — ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришдан, автоматик ва поток линиялари жорий қилишдан; ишлаб турган машина-ускуналарни модернизация қилиш ва эскиларини алмаштиришдан иборат.

Коммунистик меҳнат зарбдори ўз ишининг моҳир устаси бўлиб олиб, аришилган ютуқлар билан хотиржам бўлайди, балки зийраклик билан олға назар солади, журъат этади, изланади. Коммунистик меҳнат коллектив ва зарбдори номини олиш учун кураш — янги техника ва янги технологияни ишлаб чиқаришга тинмай жорий қилиш, ўзининг иш жойида замонавий, илгор усуллари қўланиш, техникани тараққий эттиришда қатнашиб, ўз ҳиссасини қўшиш демакдир.

Совет кишилари социалистик ишлаб чиқаришнинг хўжайинларидир. Бизнинг бурчимиз — станок ва машиналардан мумкин қадар ахшироқ ва тўлароқ фойдаланишдан, меҳнатни ташкил этишнинг такомиллаштиришдан, хомашё, материалларни, давлат маблагларини тежаб-тергаб сарфлашдан иборат.

Биз коммунистик меҳнат мусобақасининг ҳамма қатнашчиларини, барча ишчиларни, колхозчиларни, инженер ва техникларни, фан ҳодимларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тарққийини тезлатиш учун бутун кучларини сарф қилишга чақирамиз.

Техника прогресси асри, автоматика асри ҳар бир ишчи ва колхозчидан ўз билимининг узлуқсиз ошира боришни талаб этмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет кишиларининг маданий ва юксак билимли бўлишлари учун зарур шарт-шароитнинг ҳаммасини вужудга келтирдилар. Барча ишчи ва хизматчиларини етти ва олти соатлик иш кунига кўчириб бу йил тугатиланди. Бу чора фан ва маданиятни ағдаллаш учун янги, янада кенг имкониятлар очиб беради. Эндиликда бутун гап ўзимизда қолган.

Коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашаётган ҳар бир киши сабот-матонат билан билимларни ағдаллаш, ишлаб чиқариш малакасини ошириш, ўзининг маданий-техника даражасини юксалтириш сиёсатини олиш.

Совет кишини бригада, участкасинингиз эмас, балки бутун корхонанинг ва умуман бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш планини муваффақиятли бажаришдан астойдил манфаатдордир. Ўртоқларча ҳамкорлик ва социалистик ўзаро ёрдам — совет кишилари ҳаётининг қонунидир.

Коммунистик меҳнат мусобақасида энг муҳим таъини шуки, илғорлар эришган ҳамма нарсалар ҳамма жойда таътиқ этилиши керак, уларнинг муваффақиятлари ва иш методлари кенг омма орасига ёйилиши лозим.

Ўз билимининг, ўз маҳоратини бирга ишлаб турган ўртоғига ўргатиш, умумий юксалишга эришиш учун орқда қолаётган кишига ўз вақтида ёрдам бериш — ҳаракатимизда қатнашувчи ҳамма кишилар учун мустақам қонун бўлиб қолмоғи керак.

Коммунистик меҳнат мусобақасининг қатнашчилари ўзларини коммунистик жамият кишиниға сох хўсусликлари руҳида тарбиялайдилар ва: «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган қондага қатъий амал қилдилар. Биз, ўтмишининг саркитларига, техникўларга, безорларга, брак маҳсулот чиқарувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришимиз, эскириб, қотиб қолган нарсаларнинг ҳаммасини совет уйдан супуриб ташлашимиз керак.

Ўртоқчилик ва коллективчилик руҳи ҳаракатимизнинг бир кучига ўн куч қўшади. Биз кейинда қолувчиларга ёрдам қўлини узатишга, ўртоқчилигини қувонч ва қайғусини у билан баҳам қўришга доим тайёрмиз. Бизнинг дўстлигимиз — жиддий ва ҳаққоний, тадабқан дўстлик ва меҳр-муҳаббатга асосланган дўстлиқдир.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг бурчи — коммунистик ахлоқни мустақамлаш учун тинмай кураш олиб боришдан, коммунистчасига яшашга ўрганишдан иборат.

Коммунистик меҳнат зарбдори шахсий фароғат ёки шўхратга интиланганлиги учун эмас, балки коммунистик қурилиш умумий ишига гоёвий жиҳатдан содиқ бўлганлиги учун ўз ихтиёри билан юксак мажбуриятлар олмоқда. Валентина Гаганованинг ватанпарварлик ташаббуси ва унинг изидан бораётган неча минглаб кишиларнинг шавкатли меҳнати бунинг ёрқин мисолидир.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари мусобақаси тобора кенгаймоқда. Бу мусобақада беш миллиондан кўпроқ меҳнаткаш, тоз миллионларча бригада ва зарбдорлар коллективлари қатнашмоқдалар; эндиликда бутун-бошқик заводлар, фабрикалар, қурилишларнинг коллективлари ана шу ажойиб ҳаракатга қўшилимоқдалар. Филокорона меҳнат қилиш билан, ўз зиммасига олган мажбуриятларини сўзсиз бажариш билан коммунистик меҳнат коллективини ёки зарбдори деган фахрли номини олиш ҳуқуқига эга бўлиш керак.

Коммунизм — барча меҳнаткашларнинг, барча совет кишиларининг буюк мақсади. Биз ана шу порлоқ келажакни ўз қўлиимиз билан барпо қиламиз.

Биз шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини келажакнинг разведкачилари сафига ўтишга, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб боришга ва ўз ижодий меҳнати билан, ўз билим савиясини ошириш соҳасида зўр бериб ишлаш билан меҳнаткашлар орзу қилган мақсадга — ер юзиди энг адолатли жамият бўлиш коммунизм ғалабасига тезроқ эришиш учун ёрдам беришга даъват эта-миз.

Коммунистчасига ишлашга интилиш совет интеллигенцияси орасида кенг ёйилди. Биз сизларга, фан ва техника, маданият ва санъат ҳодимларига ўз сўзимиз билан мурожаат қиламиз. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун шахсан намуна кўрсатиш, билимларни пропаганда қилишда, меҳнаткашларнинг адабиёт, театр, музикага бўлган зўр ҳавасини қондиришда актив қатнашиш, меҳнаткашларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун шарт-шароит вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буларнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат мусобақасини янада ривожлантиришга бебаҳо катта ёрдам беради.

Коммунистик меҳнат ҳаракатини чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантирайлик! Меҳнат унумдорлигини доим ошириш учун, 1960 йил планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган мусобақани янада юксак даражага кўтарайлик. КПСС Марказий Комитетининг наватдаги Пленумини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олайлик. Етти йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бораёлик!

Бизнинг олдимизда коммунизм қуриш ва коммунизмга яшашдек буюк мақсад турибди. Биз бу мақсадни амалга ошириш учун курашда ўзимизнинг чин қувонч ва бахтимизни топамиз.

Улуғ Лениннинг васиятлари, Коммунистик партиянинг оташин ва олижаноб қаҳриқлари совет халқини янги меҳнат зафарларида ва буюк ишларга илҳомлантирди! Биз, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизмнинг тўла ғалабасига эришамиз!

Целлюлоза қоғоз саноатининг қолоқлигини тугатиш тадбирлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Целлюлоза-қоғоз саноатининг қолоқлигини тугатиш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда айтиладики, мамлакатда гоёт катта хомашё ресурслари мавжудлигига қарамай, қоғоз, картон, целлюлоза ва улардан ясалган буюмлар ишлаб чиқариш суръати ривожланган ва халқ ҳўжалигининг ўсиб бораётган талабларини тўғри қамраб олмаётган. Газета, журнал ва китоблар учун қоғозлар етарли ишлаб чиқарилаётган. Машиини ва санитария-гигиена эҳтиёжлари учун қоғоз ва картонни қўллаб ишлаб чиқариш ташкил этилмаган, қоғоз аниқ учун картон, озиқ-овқат тоғварларини фасовка қилиш ва ўраш учун қоғоз, цемент, минерал ўғит ва бошқа маҳсуотлар солиш учун қоғоз қоп ишлаб чиқариш чекланган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, ўлка ва област партия комитетлари. Халқ ҳўжалиги кенгашлари зиммасига қоғоз ва картон ишлаб чиқаришни 1965 йилда 1958 йилга нисбатан 2,5 баравар ва целлюлоза ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтириш вазифасини юкляди.

Совет халқининг маданий эҳтиёжларини қондириш ва аҳолининг газетга, журнал ва китобларга нисбатан тобора ошиб бораётган талабларини таъминлаш учун 1965 йилда 1948 йилга нисбатан газетга қоғоз ишлаб чиқаришни 2,7 баравар кўпайтириш ҳамда босмахона қоғозини ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжалланган. Балахна ва Соликамск целлюлоза-қоғоз комбинатларида газетга қоғоз ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш қуввати 2,5 — 3 баравар ва Копнопога комбинатида беш баравардан зиёдроқ кўпайди.

Юқори сифатли силлиқ ялтироқ қоғоз ишлаб чиқариш бўйича анчагина қувватлар вужудга келтиришга катта эътибор берилган. Бу эса чиройли безатилган журналлар, дугалар, каталоглар, плакатлар, бадий иловалар ва шу сингариларни кўп миқдорда нашр этиш учун босмахона саноатини ана шундай қоғоз билан таъминлаш имконини беради.

Совет кишиларнинг турмушини яхшилаш ва хотин-қизлар меҳнатини енгилаштириш мақсадида қоғозларнинг маиший ва санитария гигиена мақсадида фойдаланиладиган ўрталари тайёрлайдиган йирик ишлаб чиқариш вужудга келтирилади ҳамда юқори сифатли кенг истеъмол буюмларининг янги турлари — сафетка, сочиқ, дастурхон, дастурмол, болалар йўртгаги, биет ва бошқа буюмларини қўллаб ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Сут ва ичимликлар учун бутилкалар, стаканчалар, тарелкалар тайёрланадиган махсус картон ишлаб чиқариш учун катта комбинат қурилиши кўзда тутилади.

Қоғоз аниқ тайёрлаш учун картон ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бундай картон ишлаб чиқариш ҳажми 1965 йилда 1958 йилга нисбатан 20 баравардан зиёдроқ кўпайи-

ди. Картондан ясалган аниқ кўп-жахтдан ёғоч аниқ ўрини босади ва 1965 йилда таъминан 30 миллион кубометр иморатбон ёғочни тежаб қолиш имконини беради. Хомашё сифатида тахта тилиш чиқатиларидан, паст сифатли дараклар ва ўтиндан, шунингдек СССРдаги мавжуд жуда бий қамши ресурсларидан фойдаланилади.

Қарорда ана шу мақсадларда 16 йирик целлюлоза-картон корхоналари қуриш кўзда тутилади. Булардан Братск, Комсомол, Котлас, Архангельск, Сиктивкар, Серов ва Селенга комбинатлари дунёда катта корхоналар бўлиб, бир суттада 800 тоннадан 1300 тоннагача аниқ тайёрланадиган картон ишлаб чиқаради.

Шунингдек Тула, Ленинград, Ростов, Новосибирск ва бошқа айрим областларда эски қоғозни қайта ишлайдиган катта қувватли картон фабрикалари қуриш кўзда тутилади. Қоғоз қоплар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилади ва қоғоз қоп ишлаб чиқариш 1965 йилда 1958 йилга нисбатан 2,5 баравар кўпайди. Бу эса табиий вақтида неча миллион тонна лаб цемент, минерал ўғит ва бошқа махсуотларни ноубуд бўлишдан сақлаб қолиш имконини беради.

РСФСР Европа қисмининг шимолида ва шарқи-шимолий қисмида, Сибирда, ўзёқ Шарқда, шунингдек Қоғозистон ССР ва Ўзбекистон ССРда целлюлоза-қоғоз саноатининг янги катта қувватлари вужудга келтирилади.

Целлюлоза-қоғоз саноатини ривожлантиришга 1952—1958 йиллардаги нисбатан 6 баравар кўп маблаг ажратилди.

Қарорда целлюлоза-қоғоз саноатига янги техникани жорий қилиш, прогрессив технология процессларини ўзлаштириш, аскириб қолган ва кам қувватли асбоб-ускуналар ўрнига янги юксак унумли ускуналарни ўрнатиш, ишлаб турган машина ва агрегатларни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан тадбирлар кўзда тутилади.

Корхоналарни замонавий юксак унумли технология асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида қо-

ғоз ясаш машинасозлиги заводларини келгайтириш ва янгиларини қуриш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш мўлжалланган.

Машинасозлар олдида қоғоз ва картон асбоблар юксак унумли замонавий машиналар, целлюлозани узатқисз ишириш бўйича қурагани агрегатлар ва установкалар, содоре-генерация агрегатлар, вакуум-буғловчи, ювувчи ва оҳар берувчи установкалар; шунингдек асбоб-ускуналарнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан конкрат вазифалар қўйилган.

Илмий-тектириш ва конструкторлик ишларини келгайтириш, лойиҳа-лаш ташкилотларини қулайтириш ҳамда целлюлоза-қоғоз саноати ва қоғоз ясаш машинасозлиги учун инженер-техник кадрлар тайёрлаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, ўлка ва област партия комитетлари, Халқ ҳўжалиги кенгашларининг, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, илмий-тектириш ва лойиҳа-лаш институтлари ходимларининг эътиборини целлюлоза-қоғоз саноатига қолоқлигини тезроқ тугатиш, целлюлоза-қоғоз саноатини ривожлантиришга ажратилган маблагларни асосан ишга тушириладиган қурилишларга тўплаш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва келгайтириш ҳамда янгиларини қуриш соҳасидаги ишларни қисқа муддат ичда амалга ошириш, саноатта ишлаб чиқаришнинг илгор ва прогрессив методларини ва янги технологияни жорий қилиб, шу етти йилликда целлюлоза-қоғоз саноатини халқ ҳўжалигининг илгор тармоғига айлантириш зарурлигига қаратилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қароридида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда халқ ҳўжалигининг қоғоз, картон ва целлюлозага бўлган эҳтиёжини таъминлашга, шунингдек совет халқининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган йирик целлюлоза-қоғоз саноати вужудга келтирилади.

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОИ ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА СЪЗДИ

Қизил Ярим ой жамиятининг 9-республика съезди 31 майда ўзинини тамомлади. Жамият Марказий Комитетининг раиси С. И. Белавининг докладда ва делегатларнинг сўзларида ана шу оммавий ташкилотнинг фаолияти аҳолига жуда манзур бўлганлиги таъкидланди. Ўтган съездан бўён жамият аъзоларининг сони қарийб бир ярим миллион кишига ортди.

Республикада жамият аъзоларининг ердми билан шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, ўқув ортларида ва саноат корхоналарида санитария ишларини намунали уюштириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Санитар-активлар пахта териш кам-

панияси даврида район врачларига ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Улар ҳамма колхозларда ўз постларини ташкил этишди. Мактаблардаги санитария постлари қўриқдан ўтказилди. Бу кўрик ўқувчиларнинг беморларга зарур ёрдам бериш учун пухта тайёргарлик қўриқларининг ибот қилди. Ёш санитария активларининг янгида ўтказилган биринчи республика сёти ҳам бунй аққол кўрсатди. Республикада доналарнинг бевуза қон топириш ва танпарварлик ҳаракати қизиб кетди. Съезд жамиятининг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар қабул қилди. Жамият Марказий Комитетининг янги сстави сайланди. (ЎЗТАП).

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини уюшқоқлик билан яқунлайлик

торда, иқтисодий билимларни пропаганда қилишга ҳам катта эътибор берилди.

Бир қатор районларда жумладан Гулистон, Чиноз, Оққўрғон районларида муваффақиятли равишда ўтказилган иқтисодий конференциялар қадрларга кўп нарсани ўргатди. Ингитўй, районийда ўтказилган област иқтисодий конференциясида комплекс механизацияни кенг жорий қилиш йўли билан қишлоқ хўжалик махсуотларни таннаришни қамлайтиришга эришилган юзасидан конкрат тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Оржоникидзе район партия ташкилотининг колхоз активларининг кенг оммаси ўртасида иқтисодий билимларни пропаганда қилиш соҳасидаги ижобий иш иқдиктага сазоворди. Бу ерда партия маорифи шохобчаларида ўқув йили бошланиши биланоқ колхозларнинг далалийлик бригада бошқиларини учун қишлоқ хўжалик конкрат экономикаси асосларини ўрганиш юзасидан махсус курслар ташкил этилиди. Ўқув йили давомида қишлоқ чиқаришнинг ана шу далайлуви участкаси раҳбарлари учун меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш кам ва аз меҳнат сарфи қилиб, кўп ва арзон махсуот этиштириш масалалари юзасидан кўп сонли лекциялар ўқилиди.

Бу таъбир ҳозирнинг ўзидақ ўзининг натижаларини бера бошлади. Район колхозларида чигит қисқа муддатларда сифатли қилиб экиб олинди. Асосий майдонларга чигит ўтчи сими тортиб қватрат-уялиб жойлаштирилди. Ҳозирги вақтда эса колхозларда ва барча бригадаларда гўё парварини тўда куч би-

дан олиб боридаётди, гўзанинг ривожланишида қолоқликка барҳам бериш юзасидан зарур агротехника тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бирок, айрим район партия комитетлари партия пропагандасининг бу жонли формасига ҳам эътибор берилди. Бунга мисол қилиб Пескент ва Бўқа район партия ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Уларда ҳам худди Оржоникидзе райониде каби ҳамма имкониятлар, иқтисодий билимларни муваффақиятли равишда пропаганда қилишга қодир етарли кадрлар мавжуд эди. Лекин ана шу имкониятлардан фойдаланилмади.

Вазифа — қисқартирилган оммабон программа бўйича машғулот олиб бориладиган конкрат экономика тағўраларини ташкил қилиш тажрибасини ҳамма жойда кенг қўлланиш ва ёйишдан иборат.

Партия маорифи шохобчаларида КПСС тарихи ва назариясини ўрганиш асосий ўринини эгаллайди. Жойларда партия тарихини ўрганиш юзасидан ўтган йиллардаги қараганда бир мунча кўп тўғарак ва семинарлар ташкил қилинди. Қўнчилик тўғарак ва семинарларда партиянинг улуг Ватан уруши йиллари, урушдан олдинги ва сўнгги ва айниқса КПССнинг XX съезидан сўнгги даврдаги фаолиятини чуқур ҳамда атрафича ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Тўғаракларнинг пропагандалари ва семинарларнинг раҳбарлари партиянинг халқ ҳўжалигини ривожлантириш юзасидан кўраётган тадбирлари ва у бераётган амалий натижаларини ўз лекцияларида ҳамда сўбатларига асос қилиб олдилар.

КОММУНИСТИК МЕХНАТ БРИГАДАЛАРИ ВА ЗАРБДОРЛАРИ МУСОБАҚАСИ ИЛГОРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

— Биз, совет кишилари, — дейди нотиқ, — тўрт давлат бошчилигининг юксак доирадаги кенгашига катта умид билан қараган эдик. Лекин сўзлагани тинчликни ёқлаб, амалда эса, агрессив ҳаракатлар қилётган кишилар билан бир стол атрафида ўтириб бўлармиди. Биз Н. С. Хрушчевнинг Парижда тутган позициясини яқдиллик билан маъқулаймиш.

— Биз, металлурглр, қатъий ишонимизки, — деди ўз сўзининг охирида П. Махота, — тинчлик ва ақл-идрок тантана қилади!

Ўнгга СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский нутқ сўзлади. Унинг нутқи эўр эътибор билан тингиланди.

Ўртоқ Малиновский Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг шахсий сстави номидан кенгаш қатнашчиларига оташин жанговар салом топшириб, бундай деди:

— Мамлакатимизда индустриянинг мавж уриб ривожланиши ва илмий-техника прогресси Совет Қўролли Кучларини янғ замонавий техника билан таъминлаш имконини берди. Партия, унинг Ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳўкумати Ватанимиз мудофааси соҳасидаги вазифаларини ҳал этиш учун ҳамма зарур нарсаларни, турли вазифаларни ба-жарувчи ракета-лар сингари дахшадли қурулғолга бизга бериб қўйибди.

Америкаликларнинг фикрича, ўқетмайдиган баландликда учаётган самолёт, дейди СССР Мудофаа Министри, имконияти борича янғ баландликка ўтарилган пайтда ҳам, совет ракетаси билан уриб туширилади. Бу самолёт диверсия-жосуслик мақсадидаги учун махсус қурилган эди. Пенгтон бунга тан бергуси келмаётганга ўхшайди, у, буржуа реакцияни маъбутигини ҳилма-хил нашлабди саҳифаларида жосус Пауэрнинг совет маъмурлари қўлига тушиб қолганига оид ҳар хил уйдирмаларни ўйлаб чиқаргани бетиз эмас.

Нотиқ турли уйдирмаларга жавобан бундай деди:

— Балки Аллен Даллес бошқармасидаги жаноблар Совет Қўролли Кучлари қўлида, зениг ракеталарни ҳақиқатан ҳам борлигини билмаслар? Мен уларга ёрдам бериб қўй қолай. Жаноблар, бизда ана шундай ракеталар бор ва бизда алоҳида ракетачилар ҳам бор. Бизнинг ракеталаримиз 20 минг метр эмас, балки ундан ҳам баландроқдаги нисшонни уриб туширишга қодирдир.

Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский сўнгга айтдики, мен Совет Иттифоқи Мудофаа министри сифатида ракета қўшнларини Бош қўмондонига Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг ҳаво чегаралари бузилса, самолёт учиб чиққан базага зарба бериш ҳақида буйруқ бердим.

Министрнинг баёнотини зал гулдурас қарсақлар билан кутуб олди. Маршал Р. Я. Малиновский сўнгга, ўз нутқида таъкидлаб айтдики, АҚШнинг агрессив ҳаракатлари ҳамма соғлом фикр юритувчи кишилар-

да таъмин турдирмасдан қолоқлайди. Қўнма Штатларнинг ҳозирги маъмурлари чўчи қолганлар, бу эса, тинчлик иши учун жуда хавфлидир. Ҳокимият тепасида тинчликка ашаи ва турмушдан ҳамма жамий тараққийтидан урушни истисно қилиш зарурлигини чуқур тушунадиган доно, доврак кишилар турши керак.

Совет Иттифоқи Қўролли Кучларининг шахсий сстави, деди мудофаа министри Р. Я. Малиновский ўз нутқининг охирида. Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети теваригаги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам жипслаган ва партия ҳамда Совет ҳўкумати унинг олдида қўйилган ҳар қандай вазифани бажаришга тайёрдир.

Минбарга Москва энергетика институтининг студенти Г. Мазова чиқди. У айтдики, Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқи уни жуда ҳаяжонлантирди, қалбини совет халқи билан фахрланиш туйғуларига тўлдирди. Совет ҳўкумати бошлагининг нутқида ёшларимизнинг, бутун совет халқининг орзу ва умидлари ўз аксини топди.

Студент қиз юксак доирадаги кенгашии барбод қилган америка империалистларининг бахб ҳаракатлари ҳақида гапириб, шуни таъкидладики, ҳаққоният, бошқа халқларни ҳўрмат қилиш руҳида тарбияланган совет йигит ва қизлари учун Америка Қўшма Штатлари ҳўкумати-нинг разилона ёлгон гаплари айниқса нафратлидир. Никита Сергеевич Америка империалистларининг ёлгондақа нибойини олиб ташлади. Ватанимиз меҳнаткашларининг кўп-дан-кўп митингларида агрегаторлар нафрат айтган ёшларнинг овози ҳам қурадли тарзда янгради.

СССР Фанлар Академиясининг президенти А. Н. Несмелов айтидики, бригадалар ва зарбдорларнинг коммунистик деган ном олиш учун мусобақаси қулоч ёйиши давримизнинг алоҳиб ҳўсусиятидир. Илгор ва янғ аниқ ишчиларнинг қолоқ бригадаларга ўтиши юксак онгли кўрсатадиган ишовчи далайидир.

Фаннинг барқ уриб ўсиши, меҳнат унумдорлигининг мислсиз ошаётганлиги, ишлаб чиқариш новаторларининг муваффақиятлари. деб давом этади нотиқ, коммунизм қураётган совет кишининг нимааларга қодир эканлигини кўрсатмоқда. Америка раҳбарларининг агрессив сибсатида газабланган совет олимлари ўз мамлакатларининг илмий ва техника прогресси ишига бутун куч ва билимларини сарфлайдилар.

Совет ҳўкумати тинчликсевар сибсатини қизгин маъқуллайдилар.

— Никита Сергеевич Хрушчев, — деди Ленинграддаги Болтик заводи-нинг кема йиғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Смирнов, — бизларни, коммунистик меҳнат учун мусобақа қатнашчиларини келажакнинг пионерлари деб атаб, меҳнатимизга юксак баҳо берди. Шу сабабдан биз бутун кучимизни сарфлаб меҳнат қилишимиз, ишлаб чиқаришимиз янғ қирий участкаларига боришимиз керак. Болтик заводи-нинг коллективи ўз зиммасига меҳнат унумдорлиги бўйича етти йиллик планни беш

тишимиз лозим. Тўғарак ва сибсий мактабларга эса китоб устида мустақил ишлаш учун етарлик тайёргарликка эга бўлмаган кишиларгина жалб қилиниши керак.

Партия маорифи соҳасидаги ўқитиш муваффақияти унинг турмуш билан ҳамма боғланган ҳолда олиб борилиши, асосан пропагандистларнинг тайёргарлик савиясига боғлиқдир. Шу сабабдан пропагандистларни ташлаш, қайта тайёрлаш ва тўғри таъсисман партия ташкилотларининг фаолиятида муҳим ўринчи эгаллайди. Пропагандистлик ишига раҳбар партия, совет хўжалик ҳодимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари кенг жалб этилиши лозим.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини яқунлашнинг янғи ўқув йилига тайёргарлик қўриш ишлари билан бирга қўлиб олиб бориш зарур.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилининг тугаллангани партия пропагандасининг сўсийишга олиб келмаслиги керак. Пропаганданинг оммавий формалари — лекция, докладлар қилиш, назарий конференциялар, тематик кечалар ва савол-жавоб кечалари ўтказиш кенг давом этирилиши, СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қабул қилган қонун ва қарорларни пропаганда қилиш янгда қулайтирилиши лозим.

Партия ташкилотларининг ҳозирги вазифаси — партия маорифи шохобчаларида ўқув йилининг натижасини таъкидлаш, йўл қўйилган камчиликларини ва унинг сабабларини очиб ташлаш ва келгусида тақрорламаслик тадбирларини белгилашдан иборатдир.

И. ИСҲОҚОВ,

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудир.

йилда бажариш юзасидан шарафли мажбурият олган кemasолар ўз сўзларига қатъий турбилоди.

Коммунизм — биз, бутун совет халқи, интилаётган мақсаддир, деди ўртоқ Смирнов. Коммунизмни муваффақиятли қуриш учун бизга тинчлик керак, бинобарин, биз тинчлик учун астойдил ва янчилик билан кураш олиб бормоқдамиз. Ўзгаларнинг ишгини бузинишнинг ҳамма ҳаваскорлари шуни ахши билиб қўйснларки, совет кишилари уларнинг қўлига қаттиқ уради.

Озарбайжон нефтичиларининг вакили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жаъфаров Каспий нефтичиларининг баҳодирона меҳнати ҳақида гапирди. Улар отиқ денгизда янғи шаҳар барпо қилдилар, бу шаҳарда денгиз тубидан «қора олтин» чиқариламоқда. Улар 10 майдаёқ пландан ташқари нефть чиқариш юзасидан олган ўз йиллик социалистик мажбуриятларини бажариб қўйдилар.

Нотиқ Озарбайжонда биринчи бўлиб социалистик меҳнат бригадаси номини олган ўз бригадаси ҳақида гапириб, бу бригада йил бошидан берли пландан ташқари 6 минг тонна ёнгли бергайлигини хабар қилади.

Ўтган куни, деди донгдор нефтичи, кўпларимизга ҳўкумат мукофотлари топширилди. Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Камтар меҳнатимизга шуқадар юксак баҳо берган партияга ташаккур айтиш учун сўз топиш қийин. Мен шуни яхши биламанки, олтин медал билан биргина мен эмас, бутун бригадасида мукофотланди.

Ўнгга, нотиқ Америка империалистларининг ифлос найрагларига ҳақида нафрат билан гапирди ва Совет ҳўкуматига ҳамда Н. С. Хрушчевга доно денгича ташқи сибсат учун ташаккур билдиради.

Биз, кенгаш қатнашчилари, ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқини эўр ҳаяжон билан тингладик, деди Москва область «Серпуховский» совхози савзавотчилик бригадасининг бошлиғи В. Манарова, Совет ҳўкуматининг бошлиғи айтган фикрлар — бизнинг фикр ва туйғуларимиз, бутун совет халқи, бутун прогрессив инсониятининг фикр-туйғуларидир.

Ватанимизнинг муваффақиятлари ҳар бир совет кишини қалбини ифтихор туйғулари билан, тўғрироқда, Халқимизнинг турмуши янгда хушчақчақ ва гўзал бўлсин учун мумкин қадар яхшироқ меҳнат қилинг келадди, киши.

— Шу юксак мишбардан туриб, — деди нотиқ, — мен бундай демократизм: Партиямизга ва ҳўкуматимизга меҳнат аҳли ҳақида доимий кўрсатган гамҳўрликлар учун раҳмат, катта раҳмат!

Етти йиллик қаҳрамонларига мунофотлар топширилди

Етти йиллик қаҳрамонлар! Булар — коммунистик меҳнат учун умумхалқ ҳаракатида қатнашган кишилардир. Совет халқи уларнинг номини ифтихор ва ҳўрмат билан тилга олади. Саноат ва қишлоқ хўжалик новаторлари бўлган бу кишилар коммунистик қурилиш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг янғ ахши вақилари шу кунларда Катта Кремль Саройида тўпландилар.

Партия ва ҳўкумат бу кишилар ижобий фикрининг далилигига, таъаббусига, фидокорона меҳнатига юксак баҳо бердилар. Уларнинг янғ ахшиларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, икки янғ мишбар кўпроқ киши «Шавакати меҳнати учун» ва «Меҳнатда ўрнатқ кўрсатганлиги учун» медаллари билан мукофотланди.

Кремада мукофот олганлар учун 28 май тантанали, қувончли кун бўлди.

Мукофотланганларнинг ҳар бири гоёт ҳажжонланган эди. Мукофотлар топшириш жуда қизгин ва саммий вазиятда ўтди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев:

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК УЧУН

Шу йил 1 майда душманлар мақсадлари билан самолётда Совет Иттифоқи тупроғига бостириб қирган америкалик учувчи жосусини қўлга туширишда жасорат ва мардлик кўрсатганлар учун СССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 30 май Фармонида мувофиқ куйидагилар «Жасурлик учун» медали билан мукофотланди: Асабин Пётр Ефремович —

ЧИЛИДА БУЛГАН ЕР ҚИМИРЛАШДАН ЗАРАР ҚУРГАН КИШИЛАРГА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЕРДАМИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Чили республикасида юз берган табиий офат муносабати билан янғ чуқур хайрихоҳлик билдириб, Чили республикаси президенти Хорхе Алессандри Родригесга телеграмма юборди. Бутабий офат вақтида кўп киши қурбон бўлди ва кўп жой вайрон этилди. Телеграммага бундай дейилади: Зарар қўрган кишиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида СССР ҳўкумати Чили маъмурулари ихтиёрига махсус самолётда дори-дармонлар, иссиқ

Доклад муҳоммаси: тамом бўлди. ВИСИС раиси В. В. Гришин қисқача яқунловчи нутқ сўзлади. У, коммунизм меҳнат учун ҳаракат натижаларига яқун асатган кенгашнинг муҳим аҳамияти ҳақида гапирди. Партия Марказий Комитетининг қизгин табрикомаси кенгаш ишига чуқур мазмун бағишлади. Табрикнома замонамизнинг қудратли ҳаракати — коммунистик меҳнат учун ҳаракат умумхалқ ҳаракатида айланиши учун йўлни ёритиб берди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқ сўзлаши натижасида кенгаш иши муҳим тарихий а

